

**ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ**

**Андижон "Саййид Мухйиддин махдум"  
ўрта махсус ислом билим юрти мударриси  
Рустамжон МАҲМУДОВ томонидан тайёрланган**

**Кофия китобидан  
кейинги китобча**

**ТАРЖИМАСИ**

**Андижон**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

فَصَلِّ فِي الْحُرُوفِ الَّتِي تَجْرُ الْأَسْمَاءَ فَقَطْ وَهِيَ سَبْعَةٌ عَشَرَ حَرْفًا.

**Бу фақат исмларнигина жар қиладиган ҳарфлар ҳақидаги фаслдир. Улар ўн еттита ҳарфдир.**

**Биринчиси “бо” ҳарфи.** У ёпиштириш учун келади, яъни, бирор нарсани “бо” билан мажрур бўлувчи исмга муттасил бўлишини билдиради. Бу ҳолат икки хил, ҳақиқатан ёки мажозан бўлади:

تَقُولُ مَرَرْتُ بِزَيْدٍ،

**Маъноси: Зайддан ўтдим.** (Бу мисол “бо” ҳарфининг мажозан ёпишишига мисол бўлиб, маъноси Зайд турган маконга яқинлашиб ўтганлигимни билдиради. Ёки ҳақиқатан бўлади. Масалан: “بِزَيْدٍ دَاءٌ” бу мисолда ҳақиқатда беморлик Зайдга муттасилдир).

Ва яна “бо” ҳарфи қасам учун келади:

بِاللَّهِ لِأَفْعَلَنَّ كَذَا،

**Маъноси: Аллоҳга қасамки, албатта шундай қиламан.** (“Бо” ҳарфи “вов” ва “то” қасам ҳарфларидан умумийроқдир. Яъни “бо” қасам ҳарфининг феъли “بِاللَّهِ لِأَفْعَلَنَّ كَذَا”дек маҳзуф ҳам, “أُقْسِمُ بِاللَّهِ”дек мазкур ҳам бўлиши ҳамда у “أُقْسِمُ بِاللَّهِ”дек Аллоҳнинг исмига ҳам, “بِكَ لِأَفْعَلَنَّ كَذَا”дек Аллоҳнинг исмидан бошқага ҳам кириши мумкин).

**Иккинчиси “вов” ҳарфи.** У қасам учун келиб, у фақатгина зоҳир исмга киради:

وَاللَّهِ لِأَضْرِبَنَّ،

**Маъноси: Аллоҳга қасам, албатта ураман.** (Қасам учун бўлган “вов” ҳарфи феъли ҳазф бўлганда амал қилади.

Масалан: “وَاللّٰهُ لَأَضْرِبَنَّ” . У Аллоҳнинг исмига ҳам “وَاللّٰهُ لَأَفْعَلَنَّ كَذَا” дек ва Аллоҳнинг исмидан бошқага ҳам “لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِيَّ”<sup>1</sup> дек кириши мумкин).

**Учинчиси** “то” ҳарфи. У ҳам қасам учун келиб, фақатгина Аллоҳнинг исмига киради:

تَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ،

**Маъноси:** Аллоҳга қасамки, албатта шундай ҳийла қиламан. (Қасам учун бўлган “то” ҳарфи ҳам феъли ҳазф бўлганда амал қилади. Масалан: “تَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ” . У исми зоҳирга хосдир. Масалан: “تَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”).

**Изоҳ:** Қасамнинг жавоби “лом”, “инна” ҳамда нафий ҳарфи “мо” ва “ло” ҳарфлари билан келтирилади. Масалан: “وَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”, “وَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”, “وَاللّٰهِ مَا زَيْدٌ عَابِدٌ”, “وَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”, “وَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”, “وَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”, “وَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ”.

**Тўртинчи ва бешинчиси** “мин ва ило” ҳарфлари. “Мин” ҳарфи мақсаднинг бошланиш маконини билдириш учун келади. “Ило” ҳарфи эса, мақсаднинг тугаш маконини ва замонини билдириш учун келади.

خَرَجْتُ مِنَ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ،

**Маъноси:** Басрадан Куфагача чиқдим. Яъни чиқиш макони Басрадан бошланиб, тугаш макони эса, Куфада ниҳоясига етди.

**Олтинчиси** “фи” ҳарфи. У зарфия (ичида) маъносида келади:

زَيْدٌ فِي الدَّارِ،

**Маъноси:** Зайд ҳовли (ичи)да.

<sup>1</sup> “Балад” сураси 3ва4-оятлари. Маъноси: “Ва волид ва ундан тарқаган валадлар билан қасам. Батаҳқиқ, Биз инсонни машаққатда яратдик”.

الْمَالُ فِي الْكَيْسِ،

**Маъноси: Мол чўнтак (ичи)да.**

**Изоҳ:** Зарфия – бир нарса бошқа бир нарсага тушиб, тушган аввалги нарса иккинчисида қарор топишидир. У икки хил бўлади: ҳақиқий ва мажозий.

1. Ҳақиқий зарф. Биринчи мисол “زَيْدٌ فِي الدَّارِ-ҳақиқатда Зайд ҳовлидадир”. (Бу мисол ҳақиқий зарфнинг кўчмас жисмларда бўлганига мисолдир). Иккинчи мисол “الْمَالُ فِي الْكَيْسِ-ҳақиқатда мол чўнтакдадир”. (Бу мисол ҳақиқий зарфнинг кўчма жисмларда бўлганига мисолдир).

2. Мажозий зарф. Мисол “نَظَرْتُ فِي الْكِتَابِ-китобга қарадим”. (Бу мисолда “китоб” калимасининг зарф бўлиши ҳақиқий эмас. Чунки қарашлик қарор топадиган жисм эмас).

**Еттинчиси “лом” ҳарфи. У хослаш учун келади.**

الْمَالُ لِزَيْدٍ،

**Маъноси: Мол Зайдники.**

الْجُلُّ لِلْفَرَسِ،

**Маъноси: Ёпқич отники.**

وَهُوَ ابْنُ لَهُ وَأَخٌ لَهُ،

**Маъноси: У ўзининг ўғли ва ўзининг акаси.**

**Изоҳ:** Бу ўринда тўртта мисол келтирилиш сабаби биринчи ва учинчи “الْمَالُ لِزَيْدٍ-мол Зайдники” ва “هُوَ ابْنُ لَهُ-у ўзининг ўғли” мисолларда “лом” ҳарфи мулкни хослаш учун келяпти. Иккинчи ва тўртинчи “الْجُلُّ لِلْفَرَسِ-ёпқич отники” ва “هُوَ أَبْنُ لَهُ-у ўзининг акаси” мисолларда эса, “лом” ҳарфи мулк бўлмаган нарсани хослаш учун келяпти.

**Саккизинчиси “рубба” ҳарфи. У тақлил (озайтириш) учун келиб, сифатлангувчи накра билан хослангандир. Унинг мажрурини муфрад билан сифатлаш лозим бўлади.**

رُبَّ رَجُلٍ كَرِيمٍ لَقِيْتُهُ،

“Рубба”нинг мажрурини муфрад билан сифатлаш лозим бўлади. Масалан: “رُبَّ رَجُلٍ كَرِيمٍ لَقِيْتُهُ” ушбу мисолда “رَجُلٍ” калимаси “كَرِيمٍ” муфрад билан сифатланмоқда. **Маъноси: Қанча-қанча сахий кишига йўлиқдим.**

Ёки “рубба”нинг мажрурини жумла билан сифатлаш лозим бўлади. Масалан: “رُبَّ رَجُلٍ أَبُوهُ مُنْطَلِقٌ لَقِيْتُهُ” ушбу мисолда “رَجُلٍ” калимаси “أَبُوهُ مُنْطَلِقٌ” жумласи билан сифатланмоқда. **Маъноси: Қанча-қанча отаси кетувчи кишига йўлиқдим.**

رُبَّهُ رَجُلًا،

Ва базида “рубба” калимаси мансуб накра “رَجُلًا” билан тамйиз келтирилган “” замирга киради. Ва ўша замир муфрад музаккар бўлади. **Маъноси: У киши жиҳатидан қанча-қанчадир.**

**Изоҳ:** Бу мисолда “رَجُلًا” калимаси “рубба” билан жар бўлувчи “” замирнинг мумаййизидир ва ўша замир муфрад музаккар бўлади. Масалан: Музаккарда “رُبَّهُ رَجُلًا” ва муанназда “رُبَّهُ امْرَأَةً”, деб айтилади. Муанназда “رُبَّهَا امْرَأَةً”, деб айтилмайди.

رُبَّمَا خَرَجْتُ،

“Рубба” калимасига уни амалдан қолдирувчи “мо”и коффа киради. Ундан сўнг “руббамо” жумлага киради. **Маъноси: Чикмоқлигим қанча-қанчадир.**

Тўққизинчиси “ало” ҳарфи. У устида маъносида келади.

زَيْدٌ عَلَى السَّطْحِ،

**Маъноси: Зайд том устида.**

الْمَالُ عَلَى زَيْدٍ،

**Маъноси: Зайднинг зиммасида мол бор.**

تَبَحَّرَ فِي الْأَدَبِ عَلَى صِغَرِ سِنِّهِ،

**Маъноси:** Ёши кичиклигида (усти) адабиётда чуқур илм ҳосил қилди.

**Изоҳ:** Бу ўринда “ало” ҳарфига учта мисол келтирилди:

1. “زَيْدٌ عَلَى السَّطْحِ-Зайд томда” ушбу мисолда Зайднинг томга кўтарилиши ҳақиқий ва кўриш ҳисси билан сезилувчидир.

2. “الْمَالُ عَلَى زَيْدٍ-Зайднинг зиммасида мол бор” бу мисолда Зайднинг зиммасида мол борлиги мажозийдир. Чунки Зайднинг қарзи борлиги ҳиссиёт билан маълум бўлмайди.

3. Гоҳида “ало” ҳарфи таажжуб учун келади. Мисоли “تَبَحَّرَ فِي الْأَدَبِ عَلَى صِغَرِ سِنِّهِ-ёши кичиклигида адабиётда чуқур илм ҳосил қилди” яъни (Зайд) ёши кичиклигида адабиёт фанида чуқур илм ҳосил қилиши таажжубдир.

**Ўнинчиси** “ан” ҳарфи. У узоқлаштириш ва ўтказиш учун келади.

رَمَيْتُ السَّهْمَ عَنِ الْقَوْسِ إِلَى الصَّيْدِ،

**Маъноси:** Ўқни камондан овга отдим.

وَسَمِعْتُ عَنِ الْغَائِبِ كَذًّا،

**Маъноси:** Ғоибдан шуни эшитдим.

أَخَذْتُ عَنْهُ الْعِلْمَ،

**Маъноси:** Ундан илмни олдим.

أَدَيْتُ عَنْهُ الدِّينَ،

**Маъноси:** Ундан қарзни уздим.

**Изоҳ:** Бу ўринда “ан” ҳарфига тўртта мисол келтирилди:

1. “رَمَيْتُ السَّهْمَ عَنِ الْقَوْسِ إِلَى الصَّيْدِ-ўқни камондан овга отдим” бу мисол ўқ камондан узоқлашиб, овга ўтганлигини ифодалайди.

2. “وَسَمِعْتُ عَنِ الْغَائِبِ كَذًّا-ғоибдан шуни эшитдим” бу мисолда мутакаллим ғоибдан овозни эшитганлиги билан бошқалардан узоқлаштираётганлигини ифодалайди.

3. “أَخَذْتُ عَنْهُ الْعِلْمَ”-ундан илмни олдим” бу мисолда илм муаллимдан мутакаллимга ўтди, лекин муаллимдан узоқлашмади.

4. “أَدَيْتُ عَنْهُ الدَّيْنَ”-ундан қарзни уздим” бу мисолда қарз мутакаллимдан узоқлашди ва шу билан бирга қарз ўзида қолмади.

**Ўн биринчиси** “коф” ҳарфи. У ташбиҳ<sup>2</sup> (ўхшатиш) учун келади.

زَيْدٌ كَعَمْرٍو،

**Маъноси:** Зайд Амр кабидир.

**Ўн иккинчи ва ўн учинчиси** “муз ва мунзу” ҳарфлари бўлиб, (бу икки ҳарфнинг маъноси бир хил бўлиб, бир-бирининг ўрнига келаверади) ўтган замондаги мақсадни бошлаш учун келади.

مَا رَأَيْتَهُ مُذْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَمُنْذُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ،

**Маъноси:** Уни жума кунидан бери кўрмадим.

وَتَقُولُ مَا رَأَيْتَهُ مُذْ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ وَمُنْذُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ،

Жами муддат маъносида бўлса, қасд қилинган адад бу иккисига қўшилиб келади. **Маъноси:** “Уни уч кундан бери кўрмадим”, дейсиз.

**Ўн тўртинчиси** “ҳатто” ҳарфи. У мақсадни тугатиш учун келади. Унинг мажрури (жар қилингувчиси) ўзидан олдинги нарсадан охирги жузи бўлади.

سِرْتُ اللَّيْلِ حَتَّى الصَّبَّاحِ،

---

<sup>2</sup> Ташбиҳ – бир нарсани бошқа бир нарсага сифатда ўхшатишдир. Мисоли “زَيْدٌ كَعَمْرٍو-Зайд шер кабидир”. Ташбиҳда тўрт наrsa бўлиши лозим. 1. Мушаббах. У мазкур мисолдаги Зайд сўзи. 2. Мушаббахун биҳ. У мазкур мисолдаги шер сўзи. 3. Важҳу шабах. У мазкур мисолдаги шижоат кабиидир. 4. Адатут ташбиҳ (ўхшатиш қурол(ҳарф)и). У мазкур мисолдаги “коф” ҳарфи.

**Маъноси: Кечаси ҳатто субҳгача сайр қилдим.**

**Ўн бешинчиси “ҳашо” ҳарфи.** У поклаш учун келади.

أَسَاءَ الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدٍ،

**Маъноси: Зайддан бошқа барча қавм ёмонлик қилди.**

**Ўн олтинчи ва ўн еттинчиси “Хало ва адо” ҳарфлари.** Улар истисно (ажратиш) учун келади.

جَأْنِي الْقَوْمُ خَلَا زَيْدٍ وَعَدَا زَيْدٍ،

**Маъноси: Менга Зайддан бошқа барча қавм келди.**

“خَلَا وَعَدَا” ҳарфларидан кейинги исмни насб қилиб ўқиш ҳам жоиз. Шунда у иккиси ҳам феъл бўлади.

خَلَا زَيْدًا وَعَدَا زَيْدًا.

**Маъноси: Зайдни холий қилди ва Зайдни ҳисобга олмади.**

Агар икковига амалдан қолдирувчи “мо”и коффа кирса фақат феъл бўлади.

فَصْلٌ فِي الْحُرُوفِ الَّتِي تَنْصِبُ الْإِسْمَ فَقَطْ وَهِيَ سَبْعَةٌ أَحْرَفٍ.

Бу фақат исмларнигина насб қиладиган ҳарфлар ҳақидаги фаслдир. Ва улар еттита ҳарфдир.

**Биринчиси “илло” ҳарфи.** У истисно<sup>3</sup> учун келади:

جَأْنِي الْقَوْمُ إِلَّا زَيْدًا،

Бу мисолда мутааддид “қавм” калимаси бўлиб, у лафзан мазкурдир. Зайд эса, “илло” калимаси билан қавмга тааллуқли бўлган “келмоқ” ҳукмидан чиқарилган. Ва

<sup>3</sup> Мустасно наҳв олимлари истилоҳида икки қисмдир. 1. Муттасил 2. Мунқатиъ. Муттасил мустасно, лафзий ёки тақдирий бўлган мутааддиддан “илло” ва унинг ахавоти билан чиқарилган исмдир. Мунқатиъ мустасно “илло” ва унинг ахавотидан сўнг мутааддиддан чиқарилмаган ҳолда зикр қилинувчи исмдир. (Кофия)



Зайддан бошқаси яна ўша “келмоқ” ҳукмида қолган бўлади.  
**Маъноси: Қавм келди, фақат Зайд (келмади).**

وَتَقُولُ مَا جَأْنِي أَحَدٌ إِلَّا زَيْدٌ وَإِلَّا زَيْدًا<sup>4</sup>،

Сиз “مَا جَأْنِي أَحَدٌ إِلَّا زَيْدٌ وَإِلَّا زَيْدًا” десангиз, бу мисолда Зайд калимасини аҳад калимасининг зоҳиридан бадал қилиб раф ўқилиши ихтиёрий ва мустасноликка биноан насб ўқилиши жоиз. **Маъноси: Менга Зайддан бошқа бирортаси келмади.**

وَمَا رَأَيْتُ أَحَدًا إِلَّا زَيْدًا،

Бу мисолида мустасно насб ўқилади. Чунки, Зайд калимасини аҳад калимасининг зоҳиридан бадал қилиб ва мустасноликка биноан ҳам насб ўқилиши ихтиёрийдир. **Маъноси: Мен Зайддан бошқа бирортаси кўрмадим.**

وَمَا مَرَرْتُ بِأَحَدٍ إِلَّا زَيْدًا،

Бу мисолида мустасно насб ўқилади. Чунки, Зайд калимасини аҳад калимасининг маҳалли (у марорту феълига мафъулликка биноан маҳаллан насбдир)дан бадал қилиб ва мустасноликка биноан ҳам насб ўқилиши ихтиёрийдир. **Маъноси: Мен Зайддан бошқа бирортасидан ўтмадим.**

Қуйидаги учта мисолда мутааддид тақдиран мазкур бўлиб, мустасно мухраждир.

وَمَا جَأْنِي إِلَّا زَيْدٌ<sup>5</sup>،

Бу мисолда “келмоқ” феълига фоил лозим бўлгани учун Зайд калимасида рафдан бошқаси жоиз эмас. **Маъноси: Менга фақат Зайд келмади.**

<sup>4</sup> Мустасно ғойри мувжаб каломда иллодан сўнг келган бўлиб, мустасно минху мазкур бўлса, мустаснони мустасноликка биноан насб ўқилиши жоиз ва бадалликка биноан рафъ ўқилиши ихтиёрийдир. (Кофия)

<sup>5</sup> Агар мустасно ғойри мувжаб каломда иллодан сўнг келган бўлиб, мустасно минху мазкур бўлмаса, бу мустасно “муфаррағ” дейилади. Ва саҳиҳ маънони ифода қилиши учун авомил тақозо қилган эъроб билан эъробланади. (Кофия)

وَمَا رَأَيْتُ إِلَّا زَيْدًا،

Бу мисолда “кўрмоқ” феълига мафъул лозим бўлгани учун Зайд калимасида насбдан бошқаси жоиз эмас. **Маъноси: Мен фақат Зайдни кўрмадим.**

وَمَا مَرَرْتُ إِلَّا بِزَيْدٍ،

Бу мисолда “ўтмоқ” феъли “бо” ҳарфи билан таъдият қилгани учун Зайд калимасида жардан бошқаси жоиз эмас. **Маъноси: Мен фақат Зайддан ўтмадим.**

**Иккинчиси** “йо” ҳарфи. У нидо ҳарфи бўлиб, яқин ва узоқдагини чақириш учун келади. Мунадо муфрад маърифа, изофа, шибҳи музоф бўлишлари мумкин.

وَيَا عَبْدَ اللَّهِ،

**Маъноси: Эй Аллоҳнинг қули!** Бу мисолда “Абдуллоҳ” калимаси изофа бўлиб маърифа бўляпти.

وَيَا رَجُلًا خُذْ بِيَدِي،

**Маъноси: Эй киши! Қўлимдан ушла.** Бу мисолда “рожул” калимаси муфрад бўлиб, маърифа эмасдир. Ғойри муайян бўлгани учун насб ўқилмоқда.

يَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ،

**Маъноси: Эй Зайддан яхши киши!** Бу мисолда “хойрон” калимаси шибҳи музоф бўляпти.

وَأَيًّا وَهَيَّا بِمَعْنَى يَا

**Учинчи ва тўртинчиси** “айо ва ҳайо” ҳарфлари бўлиб, “йо” маъносида. Бу иккиси узоқдагини чақириш учун келади:

نَحْوُ أَيَّا عَبْدَ اللَّهِ،

**Маъноси: Э-эй Аллоҳнинг қули!**

وَهَيَّا عَبْدَ اللَّهِ،

**Маъноси: Э-эй Аллоҳнинг қули!**

**Бешинчиси** “ай” ҳарфи. У яқиндагини чақириш учун келади:

وَأَيُّ نَحْوُ أَيُّ عَبْدَ اللَّهِ،

**Маъноси: Эй Аллоҳнинг қули!**

**Олтинчиси** “ҳамза” ҳарфи. У ҳам яқиндагини чақириш учун келади:

وَالْهَمْزَةُ نَحْوُ أَعْبَدَ اللَّهِ،

**Маъноси: Эй Аллоҳнинг қули!**

وَالْوَاوُ بِمَعْنَى مَعَ

**Еттинчиси** бирга маъносидаги “вов” ҳарфи. У “бирга” маъносида келганда ундан олдин феъл бўлади:

نَحْوُ اسْتَوَى الْمَاءِ وَالْخَشَبَةَ،

**Маъноси: Сув (кўприк) ёғочи билан баробар бўлди.**

وَجَأَ الْبَرْدُ وَالطَّيَالِسَةُ.

**Маъноси: Тўн билан бирга совуқ келди.**

فَصْلٌ حُرُوفٌ تَنْصِبُ الْإِسْمَ وَتَرْفَعُ الْخَبَرَ وَهِيَ سِتَّةٌ أَحْرَفٌ.

Бу исмни насб ва хабарни раф қиладиган ҳарфлардир. Улар олти ҳарфдир. Булар “феълга ўхшаш ҳарфлар” деб номланади.

**Биринчиси** “инна” ҳарфи. У жумланинг мазмунини ҳақиқатлаш учун келади:

إِنَّ زَيْدًا مُنْطَلِقٌ،

**Маъноси: Ҳақиқатда Зайд кетувчидир.**

**Иккинчиси** “анна”<sup>6</sup> ҳарфи. У ҳам жумланинг мазмунини ҳақиқатлаш учун келади:

بَلَّغْنِي أَنْ زَيْدًا ذَاهِبٌ،

**Маъноси:** Ҳақиқатда Зайд кетувчи эканлиги менга етди.

**Учинчиси** “ка’анна” ҳарфи. У ўхшатиш учун келади:

كَأَنَّ زَيْدًا الْأَسَدُ،

**Маъноси:** Гўёки Зайд шер кабидир.

**Тўртинчиси** “лакинна” ҳарфи. У дарак бериш учун келади. У бир хил бўлмаган, манфий ва мусбат каломнинг орасида келади.

مَا جَأْنِي زَيْدٌ لَكِنَّ عَمْرًا حَاضِرٌ،

**Маъноси:** Менга Зайд келмади, лекин Амр келди.

**Бешинчиси** “лайта” ҳарфи. У орзу учун келиб, орзу эса, мумкин ва муҳол<sup>7</sup> (мумкин эмас) нарсаларда ҳам келади.

لَيْتَ زَيْدًا خَارِجٌ،

**Маъноси:** Кошки Зайд чиқувчи бўлса. Бу мумкин орзуга мисол.

**Олтинчиси** “лаъалла” ҳарфи. У умид учун келади. У фақат содир бўлиши мумкин нарсаларда келади.

لَعَلَّ عَمْرًا حَاضِرٌ،

**Маъноси:** Шоядки Амр ҳозир бўлса (келса).

فَإِذَا اتَّصَلَ بِهَا مَا ارْتَفَعَ الْإِسْمَانِ كَقَوْلِكَ إِنَّمَا زَيْدٌ مُنْطَلِقٌ،

<sup>6</sup> “Инна” ва “анна”нинг маъно жиҳатдан ҳеч қандай фарқи йўқ. Фақат “инна” сўз бошида келса, “анна” эса, сўз ўртасида келади.

<sup>7</sup> وَلَيْتَ الشَّبَابَ يَعُودُ Маъноси: Кошки йигитлик қайтиб келса. Бу муҳолга мисолдир. Яъни йигитликнинг қайтиб келиши муҳолдир.

وَإِنَّمَا اللَّهُ إِلَهٌ وَاحِدٌ وَكَذَٰلِكَ الْبُورِجِيُّ.

Ушбу ҳарфларга амалдан қолдирувчи “мо”и коффа қўшилса, уларнинг амалини бекор қилиб қўяди. Натижада икки исм ҳам рафъ бўлади. Сизнинг “Албатта, Зайд кетувчидир” деган сўзингиздек. Ва яна Аллоҳ таолонинг сўзидаги: “...إِنَّمَا اللَّهُ إِلَهٌ وَاحِدٌ” Албатта, Аллоҳ ягона Илоҳдир, ўзга эмас...”<sup>8</sup>, каби.

وَتَقُولُ أَنِّي وَأَنِّي أَنَا وَأَنَا كَأَنِّي وَكَأَنِّي كَأَنَا وَكَأَنَّا لَكِنِّي وَلَكِنِّي لَكِنَّا وَلَكِنَّا  
لَيْتَنِي لَيْتَنَّا لَعَلَّنِي لَعَلَّنَا.

Сиз: “Анни-ҳақиқатда мен”, “Анна-ҳақиқатда биз”, “Канни-лекин мен”, “Канна-лекин биз”, “Канни-гўёки мен”, “Канна-гўёки биз”, “Канни-лекин мен”, “Канна-лекин биз”, “Канни-кошки мен”, “Канна-кошки биз”, “Канни-шоядки мен”, “Канна-шоядки биз”, деб айтасиз<sup>9</sup>.

فَصَلِّ حَرْفَانِ تَرْفَعَانِ الْإِسْمَ وَتَنْصِبَانِ الْحَبْرَ.

Бу исмни рафъ ва хабарни насб қиладиган икки ҳарфдир. Улар “лайсага ўхшаш ҳарфлар” деб номланади.

**Биринчиси “мо” ҳарфи.**

<sup>8</sup> “Нисо” сураси 171-оят.

<sup>9</sup> Бу ўринда кўриниб турибдики, феълга ўхшаш ҳарфларга муттасил замирлар ёпишади. Масалан: Воҳид музаккар ғоиб замирдa “إِنَّهُ”, воҳида муаннас ғоибa замирдa “إِنَّهَا”, тасния музаккар ва муаннас ғоиб замирдa “إِنَّهُمَا”, жам музаккар ғоиб замирдa “إِنَّهُمْ”, жам муаннас ғоибa замирдa “إِنَّهُنَّ” ва воҳид музаккар мухотоб замирдa “إِنَّكَ”, воҳида муаннас мухотоба замирдa “إِنَّكِ”, тасния музаккар ва муаннас мухотоб замирдa “إِنَّكُمْ”, жам музаккар мухотоб замирдa “إِنَّكُمْ”, жам муаннас мухотоба замирдa “إِنَّكنَّ” ҳамда воҳид музаккар ва муаннас мутакаллим замирдa “إِنِّي” ёки “إِنِّي”, жам музаккар ва муаннас мутакаллим замирдa “إِنَّا” ёки “إِنَّا”, дейилади. Бунга феълга ўхшаш бошқа ҳарфларни ҳам қиёсланг.

مَا زَيْدٌ قَائِمًا،

**Маъноси:** Зайд турувчи эмас. Бу “мо” ҳарфининг маърифа исмга кирганлигига мисолдир.

وَمَا رَجُلٌ ذَاهِبًا،

**Маъноси:** Киши кетувчи эмас. Бу “мо” ҳарфининг накра исмга кирганлигига мисолдир.

**Иккинчиси** “ло” ҳарфи.

لَا رَجُلٌ أَفْضَلُ مِنْكَ.

**Маъноси:** Сендан афзал киши йўқ.

وَأَعْلَمُ أَنَّ مَا بِمَعْنَى لَيْسَ تَدْخُلُ عَلَى الْمَعْرِفَةِ وَالتَّكْرَرِ وَلَا بِمَعْنَى لَيْسَ لَا تَدْخُلُ إِلَّا عَلَى التَّنْكِرِ.

**Билинг албатта, “лайса” маъносидаги “мо” ҳарфи маърифа ва накра исмга киради. “Лайса” маъносидаги “ло” ҳарфи эса, фақатгина накра исмга киради.**

وَتَقُولُ فِي نَفْيِ الْجِنْسِ لَا رَجُلٌ أَفْضَلُ مِنْكَ.

**Сиз нафий жинсда<sup>10</sup>: “-сендан афзал киши асло йўқ”, деб айтасиз.**

فَصَلِّ فِي الْحُرُوفِ الَّتِي تَنْصِبُ فِعْلَ الْمُصَارِعِ وَهِيَ أَرْبَعَةٌ أَحْرَفٍ.

**Бу феъли музореъни насб қиладиган ҳарфлар ҳақидаги фаслдир. Улар тўртта ҳарфдир.**

<sup>10</sup> Аслида бу “ло” ҳарфи жинсни нафий қилиб эмас, балки, жинснинг сифатини нафий қилувчидир. Нафий жинснинг “ло”си нафийни таъкиди учун келади. Худди “инна” исботни таъкиди учун келганидек. Булар бир бирига зид бўлса ҳам таъкид борасида мутлақ ўхшашдир. Шунинг учун унга “инна”нинг амали берилди. (Шарҳи мулло)

Биринчиси “ан” ҳарфи. У келаси замон учун келади:

أَنْ نَحْوُ أَحِبُّ أَنْ تَقُومَ،

**Маъноси: Сени турмоқлигингни яхши кўраман.**

وَتُضْمَرُ أَنْ بَعْدَ حُرُوفِ الْخَمْسَةِ.

“Ан” ҳарфи бешта ҳарлардан кейин замир (тақдир) қилиниб, музореъ феълини насб қилади.

1. “Ҳатто” ҳарфи.

سِرْتُ حَتَّى أَدْخَلَهَا،

**Маъноси: Ҳатто унга киргунимча сайр қилдим.** Бу “сирту ҳатти адҳлҳа” мисол аслида “сирту ҳатти адҳлҳа” бўлиб, “ҳатто” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилиб, унинг маъносини масдарга айлантиради.

2. “Вов” ҳарфи.

لَا تَأْكُلِ السَّمَكَ وَتَشْرَبَ اللَّبْنَ،

**Маъноси: Сут ичишинг билан бирга балиқни емагин.** Бу “ла тақул ссмак ва тшрб ллбн” мисол аслида “ла тақул ссмак ва тшрб ллбн” бўлиб, “вов” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

3. “Ав” ҳарфи.

لَلزَمَنَّكَ أَوْ تُعْطِينِي حَقِّي،

**Маъноси: Ҳаққимни бермагунингча албатта, сени лозим тутаман.** Бу “лалзманнак ау туғطينи ҳаққи” мисол аслида “лалзманнак ау ан” бўлиб, “ав” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

4. “Ломи кай” ҳарфи.

جِئْتُكَ لِتُكْرِمَنِي،

**Маъноси: Мени ҳурмат қилишинг учун сенга келдим.** Бу “җиттук лан туқримни” мисол аслида “җиттук лан туқримни” бўлиб, “ломи кай”

ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилиб, унинг маъносини масдарга айлантиради.

5. “Фо” ҳарфи. “Фо” ҳарфидан олдин қуйидаги олти нарсадан бири бўлиши мумкин. 1. Амр 2. Наҳий 3. Истифҳом. 4. Нафий 5. Таманний 6. Арз (таклиф)<sup>11</sup>.

1. Амрга мисол:

زُرْنِي فَأُكْرِمَكَ،

**Маъноси: Мени зиёрат қилгин сени ҳурмат қиламан.**

Бу “زُرْنِي فَأُكْرِمَكَ” мисол аслида “زُرْنِي فَأَنْ أُكْرِمَكَ” бўлиб, “фо” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

2. Наҳийга мисол:

لَا تَشْتِمْنِي فَاشْتِمَكَ،

**Маъноси: Мени сўкма агар сўксанг, сени ҳам сўкаман.**

Бу “لَا تَشْتِمْنِي فَاشْتِمَكَ” мисол аслида “لَا تَشْتِمْنِي فَأَنْ أَشْتِمَكَ” бўлиб, “фо” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

3. Истифҳомга мисол:

أَيْنَ بَيْتِكَ فَازُورِكَ،

**Маъноси: Уйинг қаерда бас, сени зиёрат қиламан.**

Бу “أَيْنَ بَيْتِكَ فَازُورِكَ” мисол аслида “أَيْنَ بَيْتِكَ فَأَنْ أَزُورِكَ” бўлиб, “фо” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

4. Нафийга мисол:

مَا تَأْتِينَا فَتُحَدِّثُنَا،

**Маъноси: Бизга келмадингизда агар келганингизда,**

**бизга гапириб берардингиз.** Бу “مَا تَأْتِينَا فَتُحَدِّثُنَا” мисол аслида “مَا تَأْتِينَا فَتَأْتِينَا فَأَنْ تُحَدِّثُنَا” бўлиб, “фо” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

<sup>11</sup> Кофия.



5. Таманнийга мисол:

لَيْتَ لِي مَالًا فَأُنْفِقَهُ،

**Маъноси:** Кошки молим бўлсайди, уни инфок қилардим. Бу “لَيْتَ لِي مَالًا فَأُنْفِقَهُ” мисол аслида “لَيْتَ لِي مَالًا فَأُنْفِقَهُ” бўлиб, “фо” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

6. Арз (таклиф)га мисол:

أَلَا تَنْزِلُ بِنَا فَتُصِيبَ خَيْرًا،

**Маъноси:** Бизга тушмайсанми агар тушсанг, яхшиликка етардинг. Бу “أَلَا تَنْزِلُ بِنَا فَتُصِيبَ خَيْرًا” мисол аслида “أَلَا تَنْزِلُ بِنَا فَتُصِيبَ خَيْرًا” бўлиб, “фо” ҳарфидан кейин “ан” ҳарфи тақдир қилинади ва музореъ феълини насб қилади.

**Иккинчиси** “лан” ҳарфи. У келаси замоннинг инкорини таъкидлаш учун келади:

لَنْ يَقُومَ زَيْدٌ،

**Маъноси:** Ҳеч-ҳеч Зайд турмади.

**Учинчиси** “кай” ҳарфи. У сабаб учун келади. Ўзидан олдинги нарса ўзидан кейингига сабаб бўлади.

جِئْتُكَ كَيْ تُعْطِيَنِي حَقِّي،

**Маъноси:** Сенга ҳаққимни беришинг учун келдим.

**Тўртинчиси** “изан” ҳарфи. У жавоб ва жазо (мукофот) учун келади:

إِذْنُ أكرمِكَ لِمَنْ قَالَ أَنَا آتِيكَ.

**Маъноси:** “Сени олдингга бораман”, деб айтган кишига, “ундай бўлса сени ҳурмат қиламан”, деб айтмоқлигинг кабидир.

فَصْلٌ فِي الْحُرُوفِ الَّتِي تَجْزِمُ فِعْلَ الْمُصَارِعِ وَهِيَ خَمْسَةٌ أَحْرَفٍ.

**Бу феъли музореъни жазм қиладиган ҳарфлар ҳақидаги фаслдир. Улар бешта ҳарфдир.**

**Биринчиси “лам” ҳарфи.** У ўтган замон феълини инкор қилиш учун келади:

كَقَوْلِكَ لَمْ يَضْرِبْ زَيْدٌ،

**Маъноси: Сенга ҳаққимни беришинг учун келдим.**

**Иккинчиси “ламмо” ҳарфи.** У ўтган замоннинг инкорини бўрттириш учун келади:

وَلَمَّا يَقُمْ عَمْرُو،

**Маъноси: Амр ҳаргиз турмади.**

**Учинчиси “амрнинг ломи” ҳарфи.** У билан феъл (бажариш) талаб қилинувчидир.

وَلْيَضْرِبْ زَيْدٌ،

**Маъноси: Зайд урсин.**

**Тўртинчиси “наҳийнинг ломи” ҳарфи.** У билан тарк (бажармаслик) талаб қилинувчидир.

لَا تَضْرِبْ زَيْدًا،

**Маъноси: Зайдни урма.**

**Бешинчиси “ин” ҳарфи.** У шарт ва жазо учун келади:

وَإِنْ تَخْرُجْ أَخْرُجْ.

**Маъноси: Агар чиқсанг, чиқаман.**

فَصَلِّ فِي حُرُوفِ الْعَطْفِ وَهِيَ عَشْرَةٌ أَحْرَفٍ.

**Бу атф ҳарфлари ҳақидаги фаслдир. Улар ўнта ҳарфдир.**

**Биринчиси “вов” ҳарфи.** У мутлақ (ҳеч қандай тартиб ва ҳеч қандай маъият йўқ бўлган) жам (маътуф билан маътуф алайҳнинг ўртасини маътуф алайҳни ҳукмида жам қилади) учун келади:

ضَرَبَ زَيْدٌ وَعَمْرٌو،

**Маъноси: Зайд ва Амр урди.** Бу мисолда ҳар иккови бирга урган бўлиши мумкин ёки Зайд аввал уриб, Амр ундан кейин урган бўлиши ҳам мумкин. Муҳлат билан ёки муҳлатсиз урган бўлиши ҳам мумкин, ёки бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.

**Иккинчиси “фо” ҳарфи.** У муҳлатсиз тартибга далолат қилиб келади:

وَضَرَبْتُ زَيْدًا فَعَمْرًا،

**Маъноси: Зайдни бас, Амрни урдим.** Бу мисол аввал Зайдни кейин Амрни урганлигимга далолат қилади.

**Учинчиси “ав” ҳарфи.** У мутакаллим наздида мубҳам бўлган икки ишнинг бири учундир:

وَجَأَنِي زَيْدٌ أَوْ عَمْرٌو،

**Маъноси: Менга Зайд ёки Амр келди.** Бу мисол менга Зайд ёки Амрнинг бириси келганлигига далолат қилади.

**Тўртинчиси “иммо” ҳарфи.** У мутакаллим наздида мубҳам бўлган икки ишнинг бири учундир:

وَجَأَنِي زَيْدٌ إِمَّا عَمْرٌو،

**Маъноси:** Менга Зайд ёки Амр келди. Бу мисол менга Зайд ёки Амрнинг бириси келганлигига далолат қилади.

**Бешинчиси** “ам” ҳарфи. У ҳам мутакаллим наздида мубҳам бўлган икки ишнинг бири учундир:

أَزَيْدٌ عِنْدَكَ أَمْ عَمْرُو،

**Маъноси:** Сенинг ҳузурингда Зайд борми ёки Амр? Бу мисол сенинг ҳузурингда Зайд ёки Амрнинг бириси борлигига далолат қилади.

**Олтинчиси** “сумма” ҳарфи. У муҳлат билан тартибга далолат қилиб келади:

وَجَأَنِي زَيْدٌ ثُمَّ عَمْرُو،

**Маъноси:** Менга Зайд сўнгра Амр келди. Бу мисол аввал Зайд оз муҳлатдан сўнг Амр келганлигига далолат қилади.

**Еттинчиси** “ло” ҳарфи. У муайян икки ишнинг бирига далолат қилиб келади. Яъни, “ло” калимаси маътуф алайҳга тушган ҳукмни ўзидан кейингисидан нафий қилади.

وَجَأَنِي زَيْدٌ لَا عَمْرُو،

**Маъноси:** Менга Зайд келди, йўқ Амр келмади. Бу мисол Зайдга тушган ҳукмни ўзидан кейингисидан, яъни Амрдан нафий қилмоқда.

**Саккизинчиси** “бал” ҳарфи. У муайян икки амрнинг бири учундир. Унда ҳукм маътуф учун бўлади.

وَمَا رَأَيْتُ بَكْرًا بَلْ خَالِدًا،

**Маъноси:** Мен Бакрни кўрмадим, балки Холидни кўрдим.

**Тўққизинчиси** “ҳатто” ҳарфи. У муҳлат билан тартибга далолат қилишда “сумма” кабидир.

ضَرَبْتُ الْقَوْمَ حَتَّى زَيْدًا،

**Маъноси:** Қавмни ҳатто Зайдни урдим. Бу мисол аввал қавмни оз муҳлатдан сўнг Зайдни урганлигимга далолат қилади. “Сумма” ва “ҳатто”нинг фарқи шуки, “ҳатто”дан кейинги исм олдинги исмнинг бир жузъидир.

**Ўнинчиси** “лакин” ҳарфи. У муайян икки амрнинг бири учундир. У эса, атфда унинг мо қабласи манфий бўлиши вожибдир.

مَا جَأْنِي زَيْدٌ لَكِنْ عَمْرُو.

**Маъноси:** Менга Зайд келмади, лекин Амр келди.

فَصْلٌ فِي الْحُرُوفِ الْغَيْرِ الْعَامِلَةِ.

**Бу омил бўлмаган ҳарфлар ҳақидаги фаслдир.**

لَوْ أَكْرَمْتَنِي لَأَكْرَمْتُكَ،

**Маъноси:** Агар мени ҳурмат қилсанг, албатта сени ҳурмат қиламан. Бу мисолда “лав” калимаси кирмасдан аввал шарт ва жазо мусбат эди. Яъни, ҳурмат қилсанг, ҳурмат қиламан маъносида бўлади. “Лав” калимаси киргандан сўнг “Агар мени ҳурмат қилсанг ҳурмат қиламан, ҳурмат қилмасанг йўқ” маъносида бўлиб, шарт ва жазо маънан манфий бўлади.

لَوْ لَا زَيْدٌ لَأَكْرَمْتُكَ،

**Маъноси:** Агар Зайд бўлмаганда эди, албатта сени ҳурмат қилар эдим.

“Қод” калимаси тавқеъ ҳарфидир. Бу ҳарф музореъда тақлил учун келади. У хабарнинг аввалида келади. Агар

мозийга кирса, тақриб учун ва музореъга кирса, тақлил учун келади.

قَدْ رَكِبَ الْأَمِيرُ،

**Маъноси:** Амр отга минди, яъни Амр яқинда отга минди.

أَنَّ الْكَذُوبَ قَدْ يَصْدُقُ،

**Маъноси:** Ҳақиқатда каззоблар баъзан рост гапирадилар.

Феълнинг хоссаларидандир “син” ва “савфа”нинг кирмоқлиги. “Син” яқин истиқболга, “савфа” узок истиқболга далолат қилади.

سَيَكْتُبُ أَوْ سَوْفَ يَكْتُبُ،

**Маъноси:** سَيَكْتُبُ-тезда ёзади. سَوْفَ-бироздан кейин ёзади.

“Калла” ҳарфи радъ ҳарфидир. Гоҳида ҳаққон маъносида ҳам келади. У зажр ва манъ учун келади.

كَلَّا هَلْ حَضَرَ فَلَانُ،

**Агар биров كَلَّا** дейсиз. Яъни **إِرْتِدِعْ** ёки **وَازْدَجِرْ** عَنْ هَذَا йўқ-йўқ ундоқ эмас, яъни сенинг айтганингча эмас, деганидир. Ва баъзан **حَقًّا** маъносида келади. Аллоҳ таолонинг сўзида: “**كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظِرٌ** - Ҳақиқатда инсон ҳаддан ошади”.

أَزَيْدٌ عِنْدَكَ أَمْ عَمْرُو،

**Маъноси:** Сизнинг ҳузурингизда Зайд борми ёки Амр? Бу мисолда аввалги истифҳомдан иккинчи истифҳомга изроб қилинди. Изроб бир нарсани тарк қилиб иккинчисини олмоқ билан аввалгисини ботил қилмоқдир.

Қуйидаги тўртта ҳарф<sup>12</sup> таҳзиз, яъни тарғиб учундир. Ва улар лафзий ёки тақдирий келган феълга киради.

وَهَلَّا ضَرَبْتَ،

**Маъноси: Нима учун урмадинг?**

وَأَلَّا ضَرَبْتَ،

**Маъноси: Урмадингми?**

وَلَوْلَا ضَرَبْتَ،

**Маъноси: Урганингда эди.**

وَلَوْ مَا ضَرَبْتَ.

**Маъноси: Урганингда эди.**

يُقَالُ أَقَامَ زَيْدٌ فَيَقُولُ نَعَمْ وَأَجَلَ.

Баъзи ўринда феъл ҳам фоил ҳам жоиз тариқасида бирга ҳазф қилинади. Масалан: Биров **أَقَامَ زَيْدٌ** деб сўраса, сиз **نَعَمْ** ёки **أَجَلَ** деб жавоб беришингиз мумкин ёки феъл ва фоилни зикр қилиб, **قَامَ زَيْدٌ نَعَمْ** деб жавоб беришингиз ҳам мумкин.

وَإِذَا قِيلَ لَكَ أَلَمْ يَقُمْ قُلْتَ بَلَى.

“Бало” калимаси нафийнинг ийжоби учун хосдир. Яъни ўтган нафийни синдириб, исботга айлантиради. Масалан: **Агар сизга زَيْدٌ أَلَمْ يَقُمْ** дейилса, жавобида сиз **بَلَى** дейсиз. Тақдири калом **بَلَى قَامَ زَيْدٌ** бўлади.

وَإِذَا قِيلَ لَكَ هَلْ تَعْرِفُ كَذَا قُلْتَ أَيْ وَاللَّهِ إِنْ تَعْرِفُهُ وَإِنْ لَمْ تَعْرِفُهُ قُلْتَ لَا وَاللَّهِ

<sup>12</sup> Ушбу тўртта ҳарф агар мозий феълга кирса, унинг маъноси тавбих (маломат ва танбех) учундир. Агар мустакбалга кирса, унинг маъноси таҳзиз (тарғиб) учун келади. Масалан: **هَلَّا قُمْتُ**-нима учун турмадинг? Ёки **تَقُومُ هَلَّا**-нима учун турмайсан. (Шарҳи мулло)

“Ай” калимаси ийжоб учун келади. Масалан: Агар сизга “هَلْ تَعْرِفُ كَذًا” дейилса, жавобида агар уни билсангиз “أى-ха! Аллоҳга қасам”, дейсиз. Агар уни билмасангиз “لا-йўқ! Аллоҳга қасам”, дейсиз.

جَأْنِي أَخُوكَ أَيُّ زَيْدًا،

**Маъноси: Менга аканг, яъни Зайд келди.**

وَرَأَيْتُ أَخَاكَ أَيُّ زَيْدًا،

**Маъноси: Акангни, яъни Зайдни кўрдим.**

وَمَا مَرَرْتُ بِأَخِيكَ أَيُّ بَزَيْدًا،

**Маъноси: Акангдан, яъни Зайддан ўтдим.**

Отифа “иммо” учун маътуф алайхдан олдин яна бир “иммо”нинг келиши вожибдир.

إِضْرِبْ أُمَّ زَيْدًا وَأُمَّ عَمْرًا،

**Маъноси: Ёки Зайдни ёки Амрни ургин.**

خُذْ أُمَّ هَذَا وَأُمَّ ذَلِكَ،

**Маъноси: Ёки буни ёки наригини олгин.**

جَأْنِي الْقَوْمُ أُمَّ زَيْدًا فَقَائِمًا وَأُمَّ عَمْرًا فَقَاعِدًا،

**Маъноси: Менга Зайд келди. Бас, Зайд турувчидир, аммо, Амр ўтирувчидир.**

Ҳар қачон нафий жинсинг “ло”сига ҳамза кирса, “ло”нинг амали ўзгармайди.

أَلَا إِنَّ زَيْدًا فَاضِلًا،

**Маъноси: Огоҳ бўлинг, албатта, Зайд фозилдир.**

أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْكَاذِبُونَ،

**Маъноси: “Огоҳ бўлингки, албатта, улар айнан ёлғончилардир”<sup>13</sup>!**

<sup>13</sup> “Мужода” сураси 18-оят.



إِمَّا أَنْ الْحَقَّ عِنْدَهُ إِمَّا أَنَّهُ الْكَرِيمُ،

**Маъноси: Ёки ҳақ унинг ҳузурида ёки ҳақиқатда у каримдир.**

إِفْعَلْ هَذَا إِمَّا لَا.

**Маъноси: Бунни қил ёки йўқ.**

قَدْ تَمَّ وَتَمَّ.

**Дарҳақиқат ушбу рисола тамом ва тамом бўлди.**





